2019 йил 4 март, душанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 36 (13.883)

Баҳоси эркин нархда

## ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ВА МАЪРИФИЙ СОҲАЛАРДА БЕЛГИЛАБ БЕРИЛГАН ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИ ЯНГИ ТАРАҚҚИЁТ УФҚЛАРИНИ ОЧАДИ

**Хабар берилганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, йирик лойиҳалар билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 28 февраль – 1 март кунлари Наманган вилоятида бўлди.**

Баҳорнинг илк кунини наманганликлар катта қувонч ва эзгу орзу-умидлар билан кутиб олди. Ана шундай қутлуғ кунларда давлатимиз раҳбарининг вилоятга ташрифи ёшу қарини янада руҳлантириб юборди.

Ташрифнинг иккинчи куни Президент Шавкат Мирзиёев Наманган шаҳрида вилоят иқтисодиётини ривожлантириш, аҳоли турмуш шароитини янада яхшилаш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди. Видеоконференцалоқа шаклида ўтган йиғилишда вилоят фаоллари, депутатлар, давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, шаҳарлар ва туманлар ҳокимлари, нуронийлар, ёш тадбиркорлар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари вилоятда ўтган йили амалга оширилган ишлар ҳақида тўхталди, барча соҳада эришилган натижалар таҳлил қилиниб, янги вазифалар белгилаб берилди.

Ўтган йили қандай натижаларга эришдик, одамлар ҳаётида нималар ўзгарди, деган савол ҳаммамизни қийнаши керак. Бу саволларга жавоб топиш учун ҳар куни изланишимиз, замон талабларини ўрганиб, илм, ақл билан меҳнат қилишимиз зарур. Шунда иқтисодиётимиз рақобатбардош бўлади. Бу нима дегани? Чет элда бозор топиш, замонга муносиб бўлиш, дегани. Қачон муносиб бўламиз? Илғор технология бўлса, уларни ишлата оладиган ёшларимиз сафи кенгайса, сифатли маҳсулот чиқара олсак, деди Шавкат Мирзиёев.

Йиғилишда ўтган йили вилоятда умумий қиймати 1,8 триллион сўм бўлган 577 ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш объекти ишга туширилгани, инвестициялар ҳажми 1,7 баробар ошгани қайд этилди.

Шу билан бирга, Наманган вилоятини ривожлантириш бўйича мавжуд имкониятлар ва резервлар тўлиқ ишга солинмаяпти. Ўтган йили ялпи ҳудудий маҳсулот ўсиши республика кўрсаткичидан 2 баробар паст бўлгани, қишлоқ хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми камайгани танқид қилинди.

Наманган вилоятини комплекс ривожлантириш учун 2,8 миллиард долларлик лойиҳаларни назарда тутадиган дастур ишлаб чиқилди. Унга кўра, вилоятда 2019-2020 йилларда 1 минг 400 дан ортиқ инвестиция лойиҳалари амалга оширилади, 1,1 миллиард долларлик хорижий инвестиция жалб қилинади. Бунинг самарасида 39 мингта доимий иш ўрни яратилади.

Наманган халқи азалдан уддабурон тадбиркорлиги билан ажралиб туради. Кейинги йилларда ёш тадбиркорлар креатив ғоялари билан янада танилмоқда.

Давлатимиз раҳбари бу жиҳатларни эътиборга олган ҳолда, вилоятда "Ҳар бир оила – тадбиркор" дастурини амалга ошириш учун 1 триллион сўм ажратилишини маълум қилди. Бу маблағлар ҳисобига вилоятда оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг янгича тизими жорий этилади.

Вилоят туманлари марказини обод қилиш мақсадида ҳар бир туманга 20–25 миллиард сўмдан, "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурларига киритилган қишлоқ ва маҳаллаларга қўшимча равишда 2 миллиард сўмдан ажратилиши қайд этилди.

Йиғилишда Президентимиз ижтимоий, маданий-маърифий соҳаларни ривожлантириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратди. Ёш авлод маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида спорт, санъат, китобхонликни оммалаштириш, компьютер технологияларига қизиқтириш, бунинг учун жойларда зарур шароитлар яратиш, таълим сифатини ошириш бўйича топшириқлар берди.

Президентимизнинг соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни ривожлантиришга оид қарорлари натижасида жойларда замонавий тиббий муассасалар ишга туширилмоқда. Наманган шаҳридаги "ANAMED" хусусий диагностика маркази ана шундай субъектлардан бири.

Давлатимиз раҳбари ташриф чоғида ушбу диагностика маркази фаолияти билан танишди.

Нейрожарроҳлик, неврология, кардиология, урологияга ихтисослаштирилган ушбу марказ "General Electric", "Siemens", "BTL", "Mirevarra", "Fijifilm" каби машҳур компанияларнинг илғор диагностика ускуналари билан жиҳозланган. Энг замонавий қурилмалар билан жиҳозланган иккита блокда жаҳон андозалари даражасида жарроҳлик амалиётини ўтказиш мумкин. Айни пайтда 52 ўринли стационар бўлимини фойдаланишга топшириш режалаштирилмоқда.

Ўттиздан ортиқ кишилар меҳнат қилаётган муассасада малакали кадрлар жамоасини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада Буюк Британия, Япония, Россия Федерациясидаги етакчи диагностика марказлари билан ҳамкорлик ўрнатилган. Ўтган даврда бир гуруҳ шифокорлар ушбу мамлакатларда малака ошириб қайтди. Ҳиндистон ва Россиядан тажрибали шифокорлар ишга жалб этилган. Стационар ва физиотерапия бўлимлари ишга туширилиши билан яна 50 дан зиёд янги иш ўрни яратилади.

Давлатимиз раҳбари тўғри ташхис қўйиш ва касалликларни эрта аниқлаш учун бундай диагностика марказлари муҳимлигини таъкидлади.

Шу ерда Президент Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан Наманган вилояти ахборот-кутубхона марказини модернизация қилиш ва китобхонлик маданиятини ошириш концепцияси тақдимоти ўтказилди. Унга мувофиқ, вилоятнинг яна 50 маҳалласида кутубхона, 12 та замонавий кўчма китоб дўкони барпо этиш, 4 та "Библиобус" фаолиятини йўлга қўйиш режалаштирилган.

Шавкат Мирзиёев аҳолига китобларни қулай тарзда етказиб бериш, вилоятда яшаб ўтган атоқли аллома ва адибларнинг асарларини нашр этиш бўйича кўрсатмалар берди.

Давлатимиз раҳбари 2018 йил май ойида вилоятга ташрифи чоғида Наманган шаҳри марказида барпо этилаётган "Афсоналар водийси" маданият ва истироҳат боғи лойиҳаси билан танишган ва уни энг замонавий талаблар асосида барпо этиш зарурлигини таъкидлаган эди. Бу галги ташриф доирасида мазкур боғда олиб борилаётган қурилиш ишлари билан танишди.

Боғ қурилишига Туркиянинг "DOME Partners" компанияси жалб этилган бўлиб, унинг ҳудудида савдо-кўнгилочар марказлар, ҳунармандлар маҳорат маркази, сайилгоҳ кўчаси, очиқ ва ёпиқ аквапарк, кутубхона, ресторан ва кафелар, трамвай йўли, тўрт юлдузли меҳмонхона, оилавий дам олиш масканлари, кўл, мусиқали фавворалар барпо этилади. Лойиҳага асосан истироҳат боғига 8 турдаги аттракционлар ўрнатилади.

Шавкат Мирзиёев қурилиш жараёнини кўздан кечирар экан, жаҳонда ўхшаши кам бўладиган мазкур маданият ва истироҳат боғи келгусида нафақат вилоят, балки юртимизнинг ўзига хос ташриф қоғозига айланишини қайд этиб, қурилишни жадаллаштириш лозимлигини таъкидлади.

Наманган шаҳрининг Юксалиш маҳалласи кейинги икки йилда бутунлай янги қиёфа касб этди. 2018 йилда бу ерда 588 хонадондан иборат 14 та 7 қаватли арзон уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Жорий йил охиригача яна 14 та шундай уй-жой қурилиб, хонадонлар сони 1 минг 176 тага етказилади. Шунингдек, ушбу ҳудудда Ички ишлар, Мудофаа, Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ҳамда Миллий гвардия хизматчилари учун 8 та 5 қаватли тураржой биноси барпо этилмоқда.

Бундан ташқари, ҳудуднинг бош режасига мувофиқ, монолит услубида 9 ва 12 қаватли замонавий турар жойлар, шунингдек, бозор, спорт-соғломлаштириш марказлари, боғча, мактаб, кўп қаватли автомобиль сақлаш жойи қуриш режалаштирилган.

Юксалиш маҳалласи ёнида 80 гектарлик кичик саноат зонаси ташкил этилмоқда. Саноат зонаси тўлиқ ишга тушгандан сўнг 7 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилади.

Корея Республикаси билан ҳамкорликда ташкил этилаётган "Hyundai" автомобиль заводи ҳам шу ҳудудга яқин жойда барпо этилади. Ҳам ҳудуд, ҳам ишлаб чиқариш салоҳияти ортиши ҳисобига Юксалиш маҳалласи юқори технологик шаҳарчага айланади.

Давлатимиз раҳбари Юксалиш маҳалласида барпо этилаётган кўп қаватли уйлар ва ҳудудни ривожлантириш лойиҳалари билан танишди.

Наманган шаҳрининг А.Хўжаев кўчасида "IT park" ташкил этилади. Уч қаватли бинода мактаб ўқувчилари ва олий таълим муассасалари талабаларига янги замонавий техникалар билан ишлаш кўникмасини ўргатувчи курслар, тўгараклар фаолияти йўлга қўйилади.

Президентимизга россиялик мутахассислар билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган Наманган шаҳрини ривожлантириш бўйича таклифлар, замонавий шаҳарсозлик меъёрлари асосида Юксалиш шаҳарчасини обод қилиш, бизнес марказлар, дам олиш масканлари, сайилгоҳлар барпо этиш режалари ҳақида маълумот берилди.

Давлатимиз раҳбари уй-жойларни сифатли қуриш билан бирга, уларга хизмат кўрсатиш даражасини ҳам ошириш кераклигини таъкидлади. Шаҳарни истиқболда янада ривожлантиришга доир лойиҳаларни жадаллаштириш бўйича топшириқлар берди.

Шу билан Президент Шавкат Мирзиёевнинг Наманган вилоятига ташрифи якунланди.

**Умар АСРОРОВ,**
**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ, Матназар ЭЛМУРОДОВ,**
**ЎзА махсус мухбирлари**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЎН САККИЗИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

**Аввал хабар қилинганидек, 2019 йил 1 март куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн саккизинчи ялпи мажлиси ўз ишини давом эттирди.**

Мажлисда ҳукумат аъзолари, вазирлик ва марказий идоралар раҳбарлари, мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Мажлисни Олий Мажлис Сенати Раиси Нигматилла Йўлдошев олиб борди.

Сенат аъзолари томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг 2018 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисобот эшитилди. Омбудсман фаолиятининг асосий йўналиши сифатида қамоқда сақланаётган шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ишлар олиб борилаётгани қайд этилди. Йил давомида парламент палаталари билан ҳамкорликда тасдиқланган Қийноққа солишнинг ҳамда муомалада бўлиш ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни таҳқирловчи турларининг олдини олиш бўйича назорат-таҳлил тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш жадвали доирасида Миллий превентив механизм мандати билан қамраб олинган 70 дан ортиқ муассасаларга мониторинг ташрифлари амалга оширилди. Уларда депутатлар корпуси, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш миллий институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, "Human Rights Watch" халқаро жамоат ташкилоти ва БМТнинг Ўзбекистондаги Болалар жамғармаси ваколатхонаси вакиллари иштирок этди.

2018 йилда Омбудсманга инсон шахсий ҳуқуқлари ва эркинликларини амалга ошириш масаласи бўйича 3923 та мурожаат, шу жумладан, 3489 та шикоят, 428 та ариза ва 6 та таклиф тушди. Парламент назорати субъекти сифатида Омбудсман томонидан 754 та шикоят кўриб чиқилди, бу шикоятлар умумий сонининг 34,9 фоизини ташкил этади. Мурожаат этганлар манфаатлари йўлида жиноят ишини қўзғатишни рад этиш тўғрисидаги 48 та қарор бекор қилинди, судлар қарорларига 14 та протест киритилди. Омбудсман мурожаатлари бўйича прокуратура органлари томонидан жиноят ишлари бўйича судлар ҳукмлари юзасидан 7 та протест киритилди.

Омбудсман томонидан 2017 йилда амалиётга жорий этилган қонунчилик ваколатлари муваффақиятли синовдан ўтказилди. Парламент палаталари қўмиталарига давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари вакиллари ахборотларини эшитиш тўғрисидаги таклифларни, шунингдек, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги қонун ҳужжатлари бузилган ҳолатларни, бунга имкон берадиган сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида давлат органлари ва бошқа ташкилотлар раҳбарларига тақдимномалар киритишга доир ҳуқуқлар амалга оширилди. Фаолиятида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини бузганлиги аниқланган шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисида илтимоснома ҳамда фуқаролар манфаатлари йўлида судларга давлат божи тўламай ариза ва даъволар бериш ҳуқуқидан самарали фойдаланилди.

(Давоми 2-бетда)

## ЎЗБЕКИСТОН – ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИНИНГ ТЕНГ ҲУҚУҚЛИ АЪЗОСИ

***Сайёрамиз турли минтақалардаги келишмовчилик ва бир-бирини тушунмаслик оқибатида содир этилган мудҳиш жиноятлар, хусусан, Иккинчи жаҳон урушидек аламли фожиаларга гувоҳ бўлди. 1945 йилда дунё давлатларининг ихтиёрий бирлашиши асосида халқаро ташкилот – БМТ ташкил топгани эса инсониятнинг қилмишлар ва аламли йўқотишлардан чиқарган хулосаси бўлди.***

БМТ Уставининг кириш сўзида адолат нуқтаи назаридан келиб чиқувчи мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш учун шароит яратиш ушбу ташкилотнинг асосий мақсади экани қайд этилади. Айни шу мезон сабаб бугун халқаро миқёсда инсон ҳуқуқлари ва улар қадриятларини асраб-авайлаш, дунёда тинчликка эришишдаги устувор вазифалар изчил амалга оширилаётир.

Ушбу ташкилотга аъзо бўлишни ҳар бир мустақил давлат ўзи учун фахр деб билади. Зеро, бу тарихий қадам, бир томондан, муайян мамлакатнинг дунё ҳамжамияти илгари сураётган эзгу интилишларга хайрихоҳ эканини англатса, бошқа жиҳатдан унинг жаҳон ҳамжамияти тенг ҳуқуқли аъзолигига қабул қилинганини билдиради.

Мустақил Ўзбекистон Республикаси учун 1992 йил 2 март санаси ана шундай муҳим кун сифатида қайд этилади – мамлакатимиз БМТ аъзолигига қабул қилиниб, Нью-Йоркдаги қароргоҳда юртимиз байроғи кўтарилди. Ўша кундан бошлаб Ўзбекистон БМТ минбаридан Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, қўшни Афғонистонда тинчликка эришиш, гиёҳванд моддалар савдосига чек қўйиш, экологик вазиятни барқарорлаштириш каби муҳим ва умумманфаатли масалалар бўйича ўз сўзини айтиб келмоқда.

2017 йилнинг сентябрь ойида давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқида мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш фаоллашгани, халқаро алоқалар учун кенг эркинлик яратилганини таъкидлади.

Бугун Ўзбекистон ички ва ташқи сиёсатда мазкур тамойилларга асосланиб, халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлашда БМТнинг умумэътироф этилган мезонларга содиқ, Марказий Осиёдаги қўшни мамлакатлар билан ҳамкорлик ва дўстона муносабатларни ривожлантириш асосида фаолият юритмоқда. Бу саъй-ҳаракатлар, ўз навбатида, халқаро жамоатчилик томонидан муносиб эътироф этилмоқда. Хусусан, БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш 2017 йилнинг июнь ойида Президентимиз Шавкат Мирзиёев билан учрашувда "Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар мамлакат тараққиёти ва халқ фаровонлигини юксалтириш борасида муҳим аҳамиятга эга", дея қайд этганди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда БМТнинг Тараққиёт дастури, Аҳолишунослик, Болалар жамғармалари, Жаҳон соғлиқни сақлаш, Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича, Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилотлари, Гиёҳванд моддалар ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича бошқармаси ва бошқа тузилмалари ваколатхоналари фаолият юритмоқда.

Ташкилот билан ҳамкорлик самарадорлигини оширишда БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармасининг Марказий Осиё бўйича минтақавий бюроси, Халқаро меҳнат ташкилоти, Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш дастури, Европа иқтисодий комиссияси ҳамда Марказий Осиёда Превентив дипломатия минтақавий дастури каби ташкилотлар фаол иштирок этмоқда.

(Давоми 2-бетда)

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Фарғона шаҳрида 11-12 март кунлари Тожикистоннинг Суғд вилояти, Қирғизистоннинг Ўш, Жалолобод, Боткен вилоятлари ҳамда Андижон ва Наманган ёшлари иштирокида халқаро ёшлар фестивали бўлиб ўтади.**

**● Қарши давлат университетида қайта тикланувчи энергия манбалари лабораторияси фаолияти йўлга қўйилди. Лаборатория Европа Иттифоқи "ЭРАСМУС+" дастурининг қўшма лойиҳаси (RENES) доирасида ташкил этилди. "ЭРАСМУС+" дастурининг ушбу лойиҳаси доирасида Қарши давлат университети касбий таълим кафедрасида ташкил этилган ушбу лабораторияга Германия, Италия, Испания ва бошқа ривожланган давлатларда ишлаб чиқарилган 40 минг евро қийматига тенг зарур жиҳозлар келтириб ўрнатилди.**

**● Хива шаҳари яқинида "Хива локомотив" МЧЖга қарашли 3 та замонавий меҳмонхона қад ростламоқда. Уларнинг дастлабкиси 74 ўринли бўлиб, 41 та ҳар хил турдаги хоналардан иборат. Бино 2 қаватли бўлиб, ўзида миллий меъморчилик анъаналарини акс эттиради. Сайёҳларга қулай бўлиши учун мазкур бино темир йўл вокзали ёнида бунёд этилган. Ҳозирди бу ерда сўнгги пардозлаш ишлари амалга оширилмоқда.**

**● Сирдарё вилояти Сайхунобод туманида уй бекалари учун "Томорқа – даромад манбаи" мавзусида мулоқот ва маҳорат дарси ўтказилди.**

### ЖАҲОНДА

**● АҚШнинг Алабама штатидаги Ли округига ёпирилган икки торнадо оқибатида 14 киши ҳалок бўлди. Шунингдек, бир неча киши жиддий жароҳатлар билан касалхонага етказилган. Округ шерифи Жей Жонснинг айтишига кўра, қурбонлар сони ортиши мумкин, чунки айрим кишилар ҳозирча бедарак йўқолган ҳисобланмоқда. Хавфсизликни таъминлаш мақсадида округдаги барча мактаблар ёпилиши режалаштирилмоқда.**

**● Дубайда дунёдаги илк сувости меҳмонхонаси қурилиши бошланди. Биринчи беш юлдузли сув ости курорти The Floating Venice деб номланади ва Дубай қирғоғида жойлашади. Сув ости курорти ўз шакли бўйича Италиядаги Сан-Марко майдонини эслатади. Меҳмонхона тўрт қаватли бўлиб, 414 хонадан иборат. Барча хоналар, спорт заллар, Spa-салонлар, дўконлар, ресторанларнинг ярми сув остида жойлашади.**

**● Хитойнинг Хэнань провинциясида ҳарбий Хан сулоласи мақбарасини қазиб ўрганиш ишлари чоғида археологлар ичида қадим замонларда "абадий яшаш эликсири" деб ҳисобланилган суюқлик сақланиб қолган бронза кўзаларини топди. Суюқликнинг ҳажми қарийб 3,5 литрга тенг.**

### ҚИСҚА САТРЛАРДА

*● "Тошшаҳартрансхизмат" АЖ таркибидаги автобус саройларига 30 та катта сиғимдаги "MAN" русумли автобуслар олиб келинди.*

*● Миллий матбуот марказида Мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти Марказий кенгаши томонидан "Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда чақирилувчиларни ҳарбий техник мутахассисликлар бўйича тайёрлаш тартибини янада такомиллаштириш борасида белгиланган чора-тадбирлар" мавзуида матбуот анжумани бўлиб ўтди.*

*● Миробод тумани ҳокимлиги томонидан 8 март – Халқаро хотин-қизлар кунига бағишлаб югуриш бўйича марафон ташкил қилинди.*

*● Тошкент шаҳар Халқ қабулхонаси томонидан Юнусобод туманида жойлашган Тошкент иқтисодиёт коллежида аҳоли билан сайёр учрашув бўлиб ўтди.*

*● Сергели туманидаги 7-умумтаълим мактабида "Ассалом, баҳор" номли маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.*

*● Тошкент темирйўл транспорти касб-ҳунар коллежида "Бургутлар" ҳарбий спорт мусобақаси ўтказилди.*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЎН САККИЗИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Омбудсман томонидан инсон ҳуқуқлари соҳасидаги қонун ҳужжатларини ва амалиётини янада такомиллаштиришга доир тавсиялар ва таклифлар берилди. Омбудсман ҳисоботи сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан сўнг сенаторлар Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йилда ҳуқуқий тарғибот ва маърифатнинг ҳолати ҳақидаги ахборотини эшитдилар.

Таъкидланганидек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш доирасида барча соҳаларда ислоҳотлар фаол давом эттирилмоқда. Бу жараёнда бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинмоқда, бу эса, ўз навбатида, қабул қилинган ҳужжатларни ижрочиларга тезкор етказиш заруратини келтириб чиқармоқда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар матнларини ижрочиларга электрон шаклда етказишни таъминлаш вазифаси айнан Адлия вазирлиги зиммасига юклатилган.

Бу борада олиб борилган ўрганиш ва таҳлил айрим ҳолларда қонун ҳужжатлари матнлари давлат ташкилотларининг ҳудудий тузилмаларига ўз вақтида етказилмаётганини кўрсатди. Шуни ҳисобга олиб, Адлия вазирлиги томонидан янги тизим жорий этилиб, унинг доирасида ҳужжатлар минтақавий адлия органлари томонидан ҳудудий, шу жумладан, туман даражасидаги тузилмаларга бир вақтда юборилмоқда. Натижада 2018 йилда барча 1644 та қонун ҳужжати давлат органларига, уларнинг таркибий ва ҳудудий бўлинмаларига тўлиқ юборилди.

Бунда нафақат давлат органлари, балки фуқаролар йиғинлари ҳам эътибордан четда қолмади. Барча фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида ҳам ахборотни электрон алмашиш имконияти йўқлигини инобатга олиб, қонун ҳужжатлари матнлари, уларнинг қисқа изоҳлари бир ҳафтада бир марта махсус ахборот ташувчилар ёрдамида етказиб берилмоқда. Бу жараён вазирлик раҳбариятининг бевосита назоратига олинган. Бундан ташқари, давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти мунтазам адлия органлари томонидан ўрганилмоқда. Хусусан, ички ишлар, маданият, халқ таълими вазирликлари ва Давлат статистика қўмитасининг 2018 йилдаги фаолияти таҳлил қилиниб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан зарур чоралар кўрилди.

Мазкур йўналишдаги ишлар самарадорлигини таъминлаш мақсадида Интернет тармоғи ва умуман ахборот-коммуникация технологиялари имкониятидан кенг фойдаланилмоқда. Масалан, ўзбек ва рус тилларидаги 54 мингдан ортиқ ҳужжат жойлашган Миллий қонунчилик базаси – "lex.uz" фаолияти мунтазам такомиллаштирилмоқда. Бир кунда ўртача 25 мингдан зиёд фойдаланувчи улардан фойдаланади.

Бундан ташқари, Вазирлик томонидан чет эл фуқароларини, шу жумладан, инвесторларни қизиқтириши мумкин бўлган қонун ҳужжатлари матнларини Миллий базага жойлаштириш бўйича иш бошланди. Биринчи босқичда якуний рўйхат тузилиб, ундаги матнлар инглиз тилига таржима қилинмоқда.

Юридик адабиётлар чоп этиш бўйича ишлар самарали амалга оширилмоқда. Хусусан, 2018 йилда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва кодекслари тўплами ҳамда 274 минг нусхада 43 номдаги юридик адабиёт чоп этилди. Муҳокама этилган масала юзасидан Олий Мажлис Сенатининг тегишли қарори қабул қилинди.

Шундан сўнг сенаторлар Қашқадарё вилояти ҳокимининг ҳудудларни ривожлантириш ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолияти ҳақидаги ҳисоботини эшитдилар. Қайд этилганидек, 2018 йилда ҳудудни комплекс ривожлантириш ва бу жараёнга халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари салоҳиятини жалб қилиш юзасидан муайян ишлар амалга оширилди. Жумладан, 2018 йилда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 28,4 триллион сўмни ташкил этди ва аввалги йилга нисбатан ўсди. Бунда 14196,5 миллиард сўмлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилди, ўсиш суръати аввалги йилнинг шу даврига нисбатан 105,7 фоизни ташкил этди.

Вилоятнинг ташқи савдо айланмаси 755 миллион АҚШ долларини ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 126,4 фоизни, шу жумладан, экспорт 265,9 миллион АҚШ долларини, ўтган йилга нисбатан 117,5 фоизни, импорт 488,8 миллион АҚШ долларини, ўтган йилга нисбатан 131,9 фоизни ташкил этди. Хорижий сармоялар ҳисобидан 8339,2 миллиард сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилиб, шундан 1503,7 миллиард сўми тўғридан-тўғри ва 6835,5 миллиард сўми давлат кафолати остидаги хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳисобига тўғри келади. Йўл-транспорт ва муҳандислик соҳаларида 284 миллиард сўмлик қурилиш-монтаж ишлари олиб борилган. Ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш бўйича 937,6 миллиард сўмлик ишлар амалга оширилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил январь ойида Қашқадарё вилоятига ташрифи чоғида белгиланган вазифаларни бажариш доирасида 521 та лойиҳани амалга ошириш ва 9 мингдан зиёд иш ўрни яратиш учун 2,9 триллион сўм йўналтириш режалаштирилган.

Долзарб ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг роли тилга олинди. Жумладан, сўнгги икки йил давомида ҳудудлар учун долзарб ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга бўлган 150 дан зиёд масала маҳаллий Кенгашлар сессияларида муҳокама этилган. Маҳаллий Кенгашлар томонидан аҳолини ташвишга солаётган долзарб муаммоларни ҳал этиш хусусида 400 дан зиёд мансабдор шахснинг ҳисоботлари эшитилди, мамлакатимиз тузилмалари раҳбарларига 300 дан ортиқ депутатлар сўрови юборилди.

Шу билан бирга, сенаторлар Қашқадарё вилоятида маҳаллий Кенгашлар фаолияти самарадорлигини оширишга салбий таъсир кўрсатаётган бир қатор муаммо ва камчиликлар борлигини ва маҳаллий Кенгашлар мавжуд салоҳиятдан тўлиқ фойдаланмаётганлигини қайд этдилар. Муҳокама якунлари бўйича вазирлик ва идораларнинг, шунингдек, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг вилоятни ривожлантириш масалаларини ҳал этиш бўйича жавобгарлигини оширишга қаратилган Олий Мажлис Сенатининг қарори қабул қилинди.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Бош вазирига фуқароларга хорижга чиқиш биометрик паспортини расмийлаштириш ва бериш билан боғлиқ қонун ҳужжатлари ижроси ҳолати ҳамда ушбу соҳадаги ҳуқуқни қўллаш амалиёти юзасидан парламент сўрови юбориш тўғрисидаги масалани кўриб чиқдилар.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг кейинги вақтда қабул қилинган Фармон ва қарорларига мувофиқ, 2019 йил 1 январдан бошлаб рухсатнома ёзуви стикерини расмийлаштириш тартиби бекор қилинди ва чет элга чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижга чиқиш биометрик паспорти жорий этилди. Бироқ жойларда ўтказилган ўрганиш бу йўналишда қатор муаммолар борлигини кўрсатмоқда. Шу туфайли Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосарига фуқароларга хорижга чиқиш биометрик паспортини расмийлаштириш ва бериш билан боғлиқ қонун ҳужжатлари ижроси ҳолати ҳамда бу йўналишдаги ҳуқуқни қўллаш амалиёти тўғрисида парламент сўрови юбориш зарурати юзага келди.

Шундан кейин юқори палата аъзолари Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – молия вазирига жисмоний шахслар кўчмас мулк объектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, уларни солиққа тортишга доир қонун ҳужжатлари ижроси ҳолати ва бу соҳада ҳуқуқни қўллаш амалиёти юзасидан парламент сўрови юбориш тўғрисидаги масалани кўриб чиқдилар.

Қайд этилганидек, "Давлат кадастрлари тўғрисида"ги, "Давлат ер кадастри тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларида жисмоний шахслар кадастр объектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, мулк солиғини ҳисоблашнинг ҳуқуқий базаси шакллантирилди. Бироқ мазкур йўналишда олиб борилган ўрганиш натижалари, фуқаролар мурожаатлари, ижтимоий тармоқларда билдирилаётган фикрлар таҳлили мазкур соҳада муаммо ва камчиликлар борлигини кўрсатди. Бу эса Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари – молия вазирига парламент сўрови юбориш заруратини келтириб чиқарди. Ушбу масала юзасидан Олий Мажлис Сенатининг тегишли қарори қабул қилинди.

Шундан сўнг сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосарига умумтаълим мактаблари дарсликларининг давлат таълим стандартлари талабларига мувофиқлиги юзасидан парламент сўрови юбориш тўғрисидаги масалани кўриб чиқдилар.

Таъкидланганидек, мамлакатимиздаги 9,5 мингдан ортиқ умумтаълим мактабида 5,8 миллион ўқувчи таҳсил олади, уларга 20 дан ортиқ фанлар бўйича 445 минг педагог дарс беради. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан 2017/2018 ўқув йилида она тили ва математика фанлари бўйича ўтказилган ёзма назорат ишлари натижалари ўқувчиларнинг фанларни ўзлаштириши лозим даражада эмаслигини кўрсатди.

Мамлакатимиздаги вазирликлар ва идоралар, педагоглар, дарслик муаллифлари, олимлар ва экспертлар фикрларини ўрганиш жараёнида мавжуд дарсликларнинг мукаммал эмаслиги ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражасига таъсир қилувчи асосий омиллардан бири экани аниқланди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосарига умумтаълим мактаблари дарсликларининг давлат таълим стандартлари талабларига мувофиқлиги юзасидан парламент сўрови юбориш зарурати вужудга келди. Муҳокама якунлари бўйича Олий Мажлис Сенатининг тегишли қарори қабул қилинди.

Ўн саккизинчи ялпи мажлис давомида 23 та масала, шу жумладан, 15 та қонун кўриб чиқилди. Сенаторлар томонидан маъқулланган Ўзбекистон Республикаси қонунлари жамият ҳаётининг барча соҳалари ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самарадорлигини оширишга ва халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилади.

Шунинг билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн саккизинчи ялпи мажлиси ўз ишини якунлади.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ахборот хизмати**

# ЎЗБЕКИСТОН – ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИНИНГ ТЕНГ ҲУҚУҚЛИ АЪЗОСИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Мамлакатимизнинг ЮНЕСКО билан ижтимоий-гуманитар, маданий-маърифий соҳалардаги ҳамкорлиги эса 2018–2021 йилларга мўлжалланган қўшма Ҳаракатлар режаси асосида олиб борилмоқда.

Қайд этиш керак, бугун Ўзбекистоннинг БМТ билан ҳамкорликни мустаҳкамлашга интилишида минтақа мамлакатлари манфаатини илгари суриш, биргаликдаги ривожланиш ва Афғонистонда тинчликка эришиш мақсадлари устуворлик касб этган. Айни шу жиҳат сабаб Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг қатор ташаббуслари, дўстлик ва ўзаро ишонч руҳидаги эзгу интилишлари минтақа мамлакатлари томонидан фаол қўллаб-қувватланмоқда.

Жумладан, БМТ шафелигида "Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик" мавзусида халқаро конференция ўтказилди. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганидан буён қитъамизда илк бор Инсон ҳуқуқлари бўйича Осиё форуми Самарқанд шаҳрида ташкил этилди, Президентимиз ташаббуси билан Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг маслаҳат учрашуви йўлга қўйилди.

2018 йилнинг 22 июнь куни БМТ Бош Ассамблеясининг ялпи мажлисида "Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш" резолюцияси қабул қилинди. Бу Марказий Осиё давлатларининг хавфсизликни таъминлаш ва минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлашда якдил қарашларга эга эканини яна бир бор тасдиқлайди.

Бугунги кунда таҳдидларга қарши кураш ҳар доим ҳам етарли самара бермаётганини фаолият доирасида унинг оқибатларини бартараф этиш билан чекланиб қолинаётгани билан изоҳлаш мумкин. Ана шундай бир пайтда, жаҳолатга йўғрилган терроризм ва экстремизмнинг олдини олишда ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш муҳим вазифа бўлиб қолмоқда.

Шу боис ҳам Ўзбекистон Президенти БМТга аъзо давлатларга "БМТ Бош Ассамблеясининг "Маърифат ва диний бағрикенглик" деб номланган махсус резолюциясини қабул қилиш таклифи билан мурожаат қилди. 2018 йилнинг 12 декабрь куни эса БМТ Бош Ассамблеясининг ялпи сессиясида "Маърифат ва диний бағрикенглик" деб номланган махсус резолюция қабул қилинди. Бу ҳужжат дунё жамоатчилигини безовта қилаётган бугунги куннинг ўткир муаммоларига ечим сифатида илм-маърифат, адолат, бағрикенглик ва тинчликпарвар сиёсатни тарғиб қилади.

Ўзбекистон экологик муаммоларни бартараф этиш, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш борасида ҳам БМТ билан кўплаб лойиҳаларни амалга оширмоқда. Оролбўйи минтақаси учун Инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик асосида Траст фондини ташкил этиш борасидаги мамлакатимиз ташаббусининг БМТ томонидан қўллаб-қувватланиши Ўзбекистон минтақада экологик инқироз оқибатларига барҳам бериш ва ижтимоий-иқтисодий вазиятни яхшилаш, аҳоли турмуш шароитини ошириш йўлидаги фаол мулоқотининг мантиқий давоми бўлди.

Бир сўз билан айтганда, тинчлик, эзгулик, муроса ва самимият Ўзбекистон – БМТ ҳамкорлигининг доимий шиорига айланди. Ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлар туфайли бугун шаклланган мутлақо янги муҳит мамлакатимизнинг минтақа ва халқаро миқёсдаги эзгу интилишларини рўёбга чиқариш имконини бермоқда.

**Улуғбек ШОНАЗАРОВ,**
**ЎзА мухбири**

***Сўнгги йилларда республикамизда ердан оқилона ва самарали фойдаланишни ташкил этиш, соҳада таъсирчан назоратни таъминлаш ва ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри билан боғлиқ муносабатларни комплекс тартибга солиш бўйича қатор чора-тадбирлар ҳамда амалий ҳаракатлар олиб борилмоқда.***

# ЕРГЕОДЕЗКАДАСТР ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ – ДОЛЗАРБ МАСАЛА

Ер ресурсларини тизимли ҳисобга олиш ва улардан фойдаланишни назорат қилиш, давлат кадастрларини тартибга солиш, Ўзбекистон Республикаси картография фондини такомиллаштириш чора-тадбирлари дастури доирасида ер қонунчилигига риоя этиш юзасидан доимий мониторинг қилиш тизими ишлаб чиқилиб, жорий қилинди. Кўчмас мулк объектларини ялпи хатловдан ўтказиш ишлари ташкил этилди. 21 та давлат кадастрларини интеграциялашувини назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Миллий геоахборот тизимини ташкил этиш ишлари бошланди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 майдаги "Ерларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш борасида назоратни кучайтириш, геодезия ва картография фаолиятини такомиллаштириш, давлат кадастрлари юритишни тартибга солиш чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ва "Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори соҳада ижобий бурилиш ясади.

Транспорт, қурилиш соҳаси ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси томонидан Президентимизнинг мазкур Фармон ва қарорлари ҳамда шу масалага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросининг таъминланиши Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси тизими бўйича ўрганилди.

Ўрганишлар натижасида ердан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш бўйича давлат назоратини олиб бориш, ерга оид қонунларни бузганлик учун айбдорларни маъмурий жавобгарликка тортиш; ердан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш бўйича давлат назоратини олиб бориш, ерга оид қонунларни бузганлик учун айбдорларни маъмурий жавобгарликка тортиш; ердан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш бўйича давлат назоратини олиб бориш, меҳнат қонунчилиги ва "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонун талабларига риоя этиш; кадрларни танлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ва ҳоказо йўналишларда қатор муаммо ҳамда камчиликлар мавжудлиги аниқланди

Ўрганишлар давомида 64 мингдан ортиқ объектларнинг кадастр қиймати кўпайишига эришилди. Солиқ ва кадастр қўмиталарининг интеграциялашган базасидаги 550 мингдан ортиқ объектлар тенглаштирилди. Қўмитанинг 4 та вилоятдаги бошқармаларида 5 484,3 минг сўмлик маблағлар асоссиз равишда ходимларга рағбатлантириш сифатида берилганлиги аниқланиб, пуллар ташкилотлар ҳисобига қайтарилди.

Қўмита таркибидаги "Ўздаверлойиҳа" ДИЛИ ходимларига ортиқча тўлаб юборилган 16 млн. 212 минг сўм моддий ёрдам пуллари қайтарилиши ҳамда ишдан бўшаган 15 нафар ходимнинг меҳнат дафтарчалари ўз эгаларига берилди.

Шу билан бирга, қонун бузилиш ҳолатларини бартараф этиш мақсадида "Давергеодезкадастр" қўмитаси раиси номига тақдимнома киритилди.

Ўрганишлар жараёнида асосий эътибор мавжуд тизимли камчилик ва қонун бузилиши ҳолатларини бартараф этишга қаратилган таклифлар ишлаб чиқилди. Хусусан, Бош прокуратура томонидан: қўмита тузилмасини қайта кўриб чиқиб, давлат кадастрини юритиш ва ерларни муҳофаза этиш борасидаги тизимни такомиллаштириш бўйича таклифлар берилди. Қўмита фаолиятини янада яхшилаш ҳамда зиммасига айрим давлат кадастрларини юритиш функциялари юклатилган вазирлик ва идораларнинг давлат кадастрларини юритиш талабларига риоя этилишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасига хат киритилди.

Қўмита томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари, хусусан: Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастрларидан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза этиш соҳасида ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони лойиҳаси; Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори лойиҳаси тайёрланиб, айни вақтда уларнинг муҳокамаси давом этмоқда.

Ўрганиш давомида аниқланган тизимли муаммо, камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш бўйича қўмита билан биргаликда ташкилий-амалий ишлар олиб борилмоқда.

**Адҳам ОДИНАЕВ,**
**Бош прокуратуранинг Транспорт, қурилиш соҳаси ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси прокурори**

# ЧАКАНА САВДО ЯНАДА КЕНГАЙМОҚДА

***Жорий йилнинг январь ойида Тошкент шаҳрида 2329,5 млрд. сўмлик чакана савдо айланмаси бажарилиб, ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 105,8 фоизни ташкил этди.***

Шунингдек, йирик корхоналар томонидан чакана савдо айланмаси ҳажми 606,2 млрд. сўмни ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 113,5 фоизни ташкил қилди. Кичик бизнес субъектлари томонидан чакана савдо айланмаси ҳажми 1723,3 млрд. сўмни ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 103,3 фоизни ташкил қилди.

Мос равишда кичик корхона ва микрофирмалар 635,7 млрд. сўм ёки 102,3 фоизни ҳамда норасмий сектор 1087,6 млрд. сўм ёки 103,8 фоизни ташкил этди.

Туманлар кесимида чакана савдо товар айланмаси ҳажмида катта улушга эга бўлган Чилонзор (19,2 фоиз), Шайхонтоҳур (14,3 фоиз), Учтепа (11,4 фоиз) ва Бектемир (11,1 фоиз) туманлари чакана савдо товар айланмасининг ўсишига ижобий таъсир кўрсатди.

**Тошкент шаҳар Статистика бошқармаси**

## Партиялар фаолиятидан

# ТАНҚИДИЙ-ТАҲЛИЛИЙ РУҲДА ЎТДИ

***Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгашининг XVIII Пленумида ҳудудий партия ташкилотларининг 2018 йилдаги фаолияти якунлари сарҳисоб қилиниб, жорий йилда қилиниши лозим бўлган ишлар белгилаб олинди.***

— Маълумки, маҳаллий Кенгашларига сайланган депутатлар учун партия Марказий кенгаши билан ҳамкорликда махсус ўқув-семинарлари ташкил қилинган эди, — дейди партиянинг шаҳар Кенгаши раиси Отабек Жиянбаев. — Натижада айрим депутатларимиз фаолиятида жонланиш, ташаббускорлик, ўз ишига масъулият билан ёндашиш каби фазилатлар пайдо бўлди. Халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи аъзолари томонидан жами 87 та депутатлик сўрови юборилган бўлсада, бугунги кун талаби билан қараганда бу кўрсаткич талаб даражасида эмас. Ютуқлар кўп, аммо камчиликларимиз ҳам етарли. Туман Кенгашига сайланган депутатлар томонидан 207 та депутатлик сўрови юборилган. Аммо айрим халқ вакилларининг лоқайдлиги сабаб, 9 та сўровга жавоб олинмаган.

Танқидий-таҳлилий руҳда ўтган мажлисда Тошкент шаҳар ва туман Кенгашлари фаолияти кескин танқид қилинди. Бошқаларга ўрнак кўрсатиб ишлаётган депутатларнинг номи алоҳида эътироф этилиб, қолганлар фаолликка чақирилди.

Пленумда ЎзМТДП Марказий кенгаш раиси Сарвар Отамуратов иштирок этди ва сўзга чиқди.

Йиғилишда шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси ҳамда "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили" Давлат дастурида белгиланган муҳим вазифалар ижросини таъминлаш юзасида 2019 йилда қилинажак ишлар, режалар белгилаб олинди.

* * *

***"Ўзбекистон темир йўллари" АЖ "Сиҳатгоҳ" санаторийсида Ўзбекистон "Адолат" СДП Тошкент шаҳар Кенгашининг XIII Пленуми ўтказилди.***

Ўзбекистон "Адолат" СДП Тошкент шаҳар Кенгашининг 2018 йилдаги фаолияти юзасидан ҳисоботи ва жорий йилдаги устувор вазифаларини танқидий таҳлил қилишга бағишланган тадбирда партия Сиёсий Кенгаши, халқ депутатлари Тошкент шаҳар, туман Кенгашлари депутатлари, туман Кенгашлари раислари, ижрочи котиблар ҳамда фаоллар иштирок этди.

Партия шаҳар Кенгаши раиси Равшан Талипов томонидан Кенгашнинг 2018 йилда ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 22 декабрдаги Мурожаатномаси ҳамда Ҳаракатлар стратегиясида илгари сурилган тамойиллар асосида партия Дастурида белгиланган вазифаларни ҳаётга изчиллик билан татбиқ этган ҳолда партиянинг йўл харитасига мувофиқ олиб борилганини таъкидлади.

Мафкуравий ва дастурий вазифаларни амалга оширишда таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқа ижтимоий масалаларига қаратилган 10 дан ортиқ лойиҳалар асосида халқ орасида, ижтимоий объектларда ўрганишлар олиб борди. Жумладан, партиянинг "Адолат – қонун устуворлигида" лойиҳаси доирасида Тошкент шаҳар Кенгашининг 11 та туман Кенгашларида депутатлар, Кенгаш раислари, ижрочи котиблар, партия фаолларидан иборат ишчи гуруҳлар тузилиб, маҳаллаларда аҳоли билан юзма-юз мулоқот ўрнатилди.

Шу билан бирга, "Сиёсий-ҳуқуқий билимларни мустаҳкамлаш – демократик жамият пойдевори" лойиҳаси доирасида 11 та туман Кенгашларида 317 та маҳаллаларда сиёсий ўқувлар ташкил этилди. Айтиш жоизки, "Мактабгача таълим – кадрлар тайёрлашнинг бирламчи бўғини", "Таълим сифати партия нигоҳида", "Фарзандлари соғлом юрт – қудратли бўлур" лойиҳалари доирасидаги ўрганишлар Олмазор, Шайхонтоҳур, Яшнобод, Яккасарой, Миробод, Сергели туман Кенгашларида самарали ташкил этилди.

Шунга қарамай, "Адолат – қонун устуворлигида" лойиҳасини ижросини йил давомида таъминлаш борасида Бектемир, Яшнобод, Юнусобод туман Кенгашлари томонидан ишларга етарлича эътибор қаратилмаган.

Пленумда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Тошпўлат Матибоев сўзга чиқиб, ўтган даврдаги депутатларнинг фаолиятига атрофлича тўхталиб ўтди. Халқ депутатлари шаҳар Кенгаши депутатлари томонидан жами 82 та депутатлик сўровлари чиқарилган бўлиб, уларнинг аксариятида ижобий натижаларга эришилган. Халқ депутатлари шаҳар Кенгаши доимий комиссияларига 22 та таклифлар ҳамда шаҳар Кенгаши сессияси муҳокамасига 16 та масалалар киритилди.

Пленумда партия Сиёсий Кенгаши раиси Н.Умаров сўзга чиқиб, шаҳар Кенгаши 2019 йилдаги фаолиятини янада ривожлантиришга эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлади.

"Мактабгача таълим – кадрлар тайёрлашнинг бирламчи бўғини", "Таълим сифати партия нигоҳида", "Фарзандлари соғлом юрт – қудратли бўлур" лойиҳалари доирасида олиб борилаётган ўрганишларга депутатлар жиддий ёндашиши, асосий мақсадимиз сессияга масала киритиб, мавжуд муаммоларни бартараф этишга эришишимиз жоизлиги айтиб ўтилди. Мазкур лойиҳаларни ижросини туманлар кесимида таъминлаш таклифи берилди. Шунингдек, маҳаллаларда олиб борилаётган юзма-юз мулоқотларни, сиёсий ўқувларни ўтказишга туман Кенгашлари раислари, депутатлар масъулият билан қарашлари кераклигига алоҳида тўхталинди. Шу билан бирга жорий йилда пассив туманларни фаоллаштириш, депутатлик сўровларини кўпайтириш, доимий комиссия ва сессияга масала киритиш, аъзолар сонини янада ошириш юзасидан алоҳида топшириқлар берилди.

Тадбир якунида энг фаол туман Кенгашлари раислари, депутатлар тақдирланди. Кун тартибидаги масалалар бўйича партия Тошкент шаҳар Кенгашининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

# ҲУДУДИЙ ТАШКИЛОТЛАР ТУЗИЛМОҚДА

***Ўзбекистон Экологик партиясининг Тошкент шаҳар ҳудудий ташкилоти тузилди.***

Анжуманда жорий йилнинг 23 февраль куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Экологик партияси марказий кенгашининг иккинчи пленумида қабул қилинган қарор мазмун-моҳияти ҳақида атрофлича маълумот берилди. Ўтган давр мобайнида Ўзбекистон Экологик партияси устави ва рамзлари давлат рўйхатидан ўтказилди.

Ўзбекистон Экологик партияси Тошкент шаҳар ҳудудий ташкилотидан Ўзбекистон Экологик партияси II съездига делегатлар сайланди.

Иштирокчилар сўнгги йилларда атроф-муҳитга кўп миқдордаги саноат, маиший ва бошқа чиқиндиларнинг чиқарилиши глобал ва минтақавий экологик муаммоларнинг пайдо бўлишига олиб келаётганини қайд этди. Экологик партия олдида катта ва масъулиятли ишлар тургани юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Тошкент шаҳар ҳудудий партия ташкилоти кенгашининг ижроия қўмитаси аъзолари, унинг раиси ва ўринбосарлари сайланди.

**Ўз мухбиримиз ва ЎзА мухбири**

# ЁШЛАРДА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ АСОСЛАРИ

***Маълумки, қонун устуворлигини таъминлаш, аҳолининг, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий онги, саводхонлиги ҳамда маданиятини юксалтириш, фуқароларни қонунга итоат ва ҳурмат руҳида тарбиялаш бугунги куннинг долзарб масаласига айланган. Зеро, демократик, ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлини танлаган ҳар бир давлатда энг аввало, жамиятида ҳуқуқий маданиятнинг юксалганлиги муҳим ўрин тутади. Шу боис ҳам мамлакатимизда тизимли ва босқичма-босқич амалга ошириб келинаётган ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсадлардан бири инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг ишончли ҳимоясини таъминлашдир.***

Шу билан бирга, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига ҳурмат муносабатини шакллантиришга, аҳолининг ҳуқуқий онг ва маданиятини юксалтиришга, жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлиги даражасини оширишга тўсқинлик қилувчи бир қатор муаммо ва камчиликлар сақланиб қолинмоқда. Жумладан, бу ҳақида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Конституциямиз қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тадбирда сўзлаган маърузасида таъкидлаганидек: "Бугунги кунда юртимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини қонуний ҳимоя қилиш бўйича салмоқли ишлар қилинмоқда. Жумладан, шахсни айблашда қонунга зид усулда олинган маълумотлардан далил сифатида фойдаланганлик учун қатъий жавобгарлик белгиланди. Фурсатдан фойдаланиб, яна бир бор такрорлайман: судьянинг онгида – адолат, тилида – ҳақиқат, дилида – поклик ҳукмрон бўлиши керак".

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини давлат ҳимоя қилаётган, қонуний кафолатлаб турган бир пайтда, жамият аъзоларининг ҳуқуқий маданияти қандай бўлиши кераккi, жамиятда ҳуқуқбузарликлар, жиноятчиликларнинг олди олинса, аҳолининг қонунларга ҳурмати ошса, давлат органлари халққа хизмат қилишда қонун доирасидан четга чиқмаса, фуқароларимизнинг сарсон-саргардонлигига чек қўйилса, аҳолида коррупцияга қарши муросасиз кураш кучайса, ёш авлод тарбиясида ҳуқуқий саводхонликка қизиқиш кучайса, глобаллашув даврида бу жуда катта куч бўлиб майдонга чиқарди.

Дарҳақиқат, ҳуқуқий маданият кишиларнинг ҳуқуқий саводхонлик даражаси, қонунларга бўлган ҳурмати, ҳуқуқий нормаларни ижро этиши, ҳаётга татбиқ эта олиш кўникмаси, ҳуқуқбузарликларга нисбатан муросасизлик, қонунларга итоаткорлик, ҳуқуқий фаоллик ҳамда ташаббускорлик даражасидир. Жамият аъзоларининг юксак ҳуқуқий онги ва маданияти жамиятимиз тараққиётини таъминлайди.

Шу боис ҳам, жорий йилнинг 9 январь куни Президентимизнинг "Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони билан жамиятда ҳуқуқий онг ва маданиятни юксалтириш "шахс — оила — маҳалла — таълим муассасаси — ташкилот — жамият" принципи бўйича тизимли ва узвий ташкил этилиши белгилаб қўйилди.

Фармон билан тасдиқланган жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш концепциясининг асосий йўналишларидан бири сифатида таълим муассасаларида ҳуқуқий саводхонликни ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Албатта, бу ўта муҳим масала, зеро, бугунги кунда ҳуқуқий билимлар билан етарлича ёш авлод қуролланмас экан, қанча қонун қабул қилинмасин, улар қоғозда қолиб кетаверади, ёшларда ҳуқуқий нигилизм кучаяди, яъни қонунларга беписандлик кайфияти ортиб боради. Дарҳақиқат, агар шарқ давлатларидан Япония таълим тизимига назар ташласак, японлар болаликдан ёшларга ақлий, руҳий ва меҳнат тарбиясини сингдиришадики, уларда ўзаро ҳурмат, катта ва кичик, устоз ва шогирд, дўстона муносабатларда юксак ҳуқуқий маданият кўзга ташланади. Демак, бизда ҳам Концепция доирасида "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш" ва "Инсон ҳуқуқларини ўрганиш" махсус ўқув курсларини барча таълим турлари бўйича ўргатиш жорий этилишининг белгиланганлиги қувонарли ҳолатдир. Айтиш мумкинки, бизда ҳам ёшликдан ҳуқуқий билимга катта эътибор бериш керак. Ёш болалар учун ҳалоллик, тўғрилик ғояларини акс эттирган видеороликлар, мультфильмлар, эртаклар ҳам телевидение, ҳам болалар боғчасида, мактабларда ҳеч бўлмаганда ҳар куни 5-10 дақиқа кўрсатиб борилиши лозим. Болаларда нима яхшию, нима ёмон, нима тўғрию, нима нотўғри, ким ҳаќу, ким ноҳақ? деган саволларга ўзларида тушунча, тасаввур шаклланишига эришмоғимиз керак. Бу тушунчаларни ёш авлодга ким етказади, деган савол ҳам туғилиши табиий. Демак, ҳуқуқий билим ва кўникмага эга бўлган тарбиячилар, мураббийлар ҳам ҳуқуқий саводхонлиги билан ишга киришмоғи керак. Ота-онанинг ҳуқуқий маданияти ҳам болаларимизнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда катта аҳамият касб этади. Агар оилада болаларга йўл ҳаракати қоидалари, пиёдалар ўтиш жойи, дарс жараёнида одоб-ахлоқ қоидалари, таълим муассасасига мактаб формасида бориш, дарс машғулотларида бошқаларнинг илм олиш ҳуқуқини бузмаслик каби талаблар ота-оналар томонидан ўргатиб борилса, албатта, ижобий ўзгаришларга олиб келади.

Шунингдек, умумтаълим мактабларида 2-9-синф ўқувчилари учун ўтиладиган тарбиявий соатларда энг катта эътибор одоб-ахлоқ мавзуларига, ўқувчилар ўртасидаги тартиббузарлик, тамаки чекиш, спиртли ичимликлар истеъмол қилишнинг зарарли оқибатлари ҳақида видеороликлар намойиш этилиб, унинг салбий оқибатлари ёритиб борилса ҳамда ҳуқуқшунослар иштирокида мазкур ҳолатни тартибга соладиган қонунлар ёшига мос равишда мультфильмлар кўрсатиб борилса мазкур тадбирлар қўштирноқ ичида, ҳисобот учун бўлмасдан амалий аҳамият касб этади, деган умиддамиз.

Ёшлар, айниқса вояга етмаганлар ўртасида ҳуқубузарлик, жиноятчилик ёки уюшмаган ёшлар деган иборалар кўп учрамоқда. 10 мингга яқин умумий ўрта мактабларимиз мавжуд, агар ҳар бир таълим муассасасида дарс жадвалига кўра, машғулотлар ўқитувчилар томонидан маҳоратли ўтилса, қайси ёш ўқувчининг бекорчи вақти, ҳуқуқбузарликка мойили пайдо бўлади? Зеро, таълим муассасаларининг вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишдаги иштироки билан боғлиқ қоидалар "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги Қонунда ҳам мустаҳкамланган.

Таълим муассасалари ҳам вояга етмаганларга ижтимоий-психологик, педагогик ёрдам кўрсатади, дарсларга доимий қатнашишини таъминлайди, уларни спортга жалб этади, болаларининг тарбияси қийин бўлган оилаларга ёрдам кўрсатади. Демак, яна бир муҳим масала, таълим-тарбия, мактаблардаги ҳақиқий ҳолат, таълимнинг барча синфларида Конституцияга, ҳуқуқшуносликка бағишланган дарслар ва ўқув қўлланмалар қайта бугунги кун талаби билан тайёрланиши ҳамда улар асосида дарс машғулотларини ташкил этиш керак. Бунда яна бир жиддий муаммони унутмаслигимиз керак. Бу мазкур фанларни, машғулотларни ким ўтади, деган табиий савол туғилади. Сир эмаски, айрим мактабларда истаган ўқитувчи ҳуқуқшуносликдан дарсга киравераdi. Бу эса, яна ёшларимизнинг қонунларга бўлган ҳурмати ва эътиборини пасайтиришга олиб келади. Шу боис, умумтаълим мактабларида ўтиладиган тарбиявий ва ҳуқуқий саводхонликка бағишланган соатларда айнан қонунга итоаткорликнинг мазмун-моҳиятини, жамият ва давлат тараққиёти учун аҳамиятини кўрсатиб бера оладиган мутахассисларни жалб этиш жоиздир. Қувонарли томони шундаки, Фармонга кўра, Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш концепцияси тасдиқланди. Концепция доирасида болалар учун махсус ҳуқуқий портал яратилмоқда. Шунингдек, оилада ҳуқуқий саводхонликни оширадиган, ҳар бир элементар ҳуқуқий билимларни ўргатишга қаратилган ва кундалик ҳаётдаги муҳим масалалар юзасидан ҳуқуқий қўлланма бепул тарқатилади. Маҳаллаларимизда эса "Ҳуқуқий ахборот куни" ташкил этилади. Таълимнинг барча босқичида "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш" ҳамда "Инсон ҳуқуқларини ўрганиш" махсус ўқув курслари бўйича ўргатиш жорий этиш назарда тутилмоқда. Ҳар бир фуқаро инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиши, давлат суверенитети ғояларига содиқ бўлиши лозим. Ижтимоий ҳаётда ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги ўзининг фуқаролик ва инсоний масъулиятини англаши зарур. Ўзбек давлатчилиги ривожланишининг тарихий тажрибаси асосида миллий ҳуқуқий қадриятларни эъзозлаши ва уни ҳар томонлама тарғиб этиши керак. Демократия қадриятларини ҳурмат қилиши ва ижтимоий адолатга садоқатли бўлиши, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиши, юрт тинчлиги ва миллий тотувликни таъминлаш масъулиятини чуқур ҳис этиши керак. Шарқ мутафаккирларнинг ҳуқуқий қарашларига эътибор берадиган бўлсак энг каттаси одоб-ахлоқ қоидаларига қаратилган. Жумладан, Юсуф Хос Ҳожибнинг "Қутадғу-билиг" асари одоб-ахлоқ, илм-маърифат, жамоат жойларида ўзини қандай тутиш, сўзнинг аҳамияти ва қадри, меҳмондўстлик қоидаси, инсон маънавий оламининг кўп жиҳатларини ижтимоий тартибга солувчи восита сифатида баён этилган. Абу Наср Фаробий эса фозил шаҳар – давлатни таълим-тарбия, қонунийлик ва одиллик тамойиллари асосида барпо этиш ғоясини илгари сурган. Фаробий мукаммал жамият ва давлат амал қилишига ижтимоий адолат тантанаси сифатида қарайди. Зеро, бундай давлат ўз фуқароларининг бахт-саодатга эришуви йўлида бир қатор муҳим вазифаларни амалга оширадики, уларнинг натижаларини баҳолашнинг асосий мезони – адолатдир. Шу жиҳатдан қараганда, Фаробий қарашларида донишмандлик (ҳикма); ҳамда милля ва шариат (қонун, шариат маъносида) асосидаги ҳаракатлар бахтга олиб боради; бахтга олиб борувчи қарашлар, ҳаракатлар (ахлоқ); одатга айланган ҳаракат (сияр); бошқариш эса (сияса) деган маъноларни англатади. Бошқарув эса икки: яъни "тамкин" – қўллаш ҳамда тўғри бошқарувни сақлаш, асраш "хифз" маънода ишлатилади.

Шундай қилиб, Фаробий фозил давлатга хос бўлган асосий вазифаларни ҳам аниқлаб берар экан, уларнинг мазмун-моҳияти фозил жамиятнинг инсонпарварлик табиатидан келиб чиқишини алоҳида уқтириб ўтгани маълум. "Ўзининг ахлоқ тўғрисидаги фикрларида Ибн Сино инсондаги илғор ахлоқий фазилатларни улуғлайди, ахлоқий иллатларни, ёмонликни кескин қоралайди. У инсонда камтарлик, ҳалоллик, иззат-ҳурмат, тўғрилик, софдиллик, жасурлик каби хулқий қоидалар мужассам бўлишини истайди. Инсонлар ўртасида, оила аъзолар, жамиятда турли табақаларнинг ўзаро муносабатлари Ибн Сино асарларида инсонпарварлик руҳида ёритилади. Шунингдек, оила – никоҳ муносабатлари тўғрисидаги қонун мукаммал бўлса, ижтимоий ҳаётда тартиб қарор топади ва кишиларни ишсизликдан, ўғриликдан, талончиликдан, қимор ўйинларидан сақланишга олиб келади. Қонунда авлодлар тарбияси оиланинг асосий вазифаси деб белгилаб қўйилиши шарт. Оила аъзолари ўз қонуний бурчларини адо этишлари қонун билан мустаҳкамланган бўлиши лозим. Никоҳни бекор қилиниши шартлари ҳам қонуний мустаҳкамланган бўлиши кераккi, бу Ибн Синонинг фикрича, оила аъзоларини оилани сақлаб қолишларига кўпроқ қаратилган бўлса, жамият учун бу қонуннинг фойдаси, аҳамияти катта бўлади. Шу жиҳатдан аёллар никоҳни бекор қилиш шартлари билан судда иштирок этишлари, эркаклар эса никоҳ бекор қилиниши учун катта жарима тўлашлари қонунда белгиланишини уқтирган. Оилавий муносабатлар учун асосий жавобгарлик эрнинг зиммасига тушади. Дарвоқе, Шарқ Уйғониш даври мутафаккирларининг ҳуқуқий қарашлари бугунги кунда ўз аҳамиятини йўқотмаган, балки бугунги кунда амалга оширилиётган ҳуқуқий маданиятни юксалтириш концепциясида илгари сурилган муаммоларни ўзида акс эттирган таълимотлардан бўлиб, бизнинг маънавий меросимизда ҳам ҳуқуқий маданиятнинг тарихий илдизларини, асосларини кўрсатади.

Дарҳақиқат, юқоридагилардан кўриниб турибдики, ҳуқуқий онг ва одоб-ахлоқ бир-бири билан узвий боғлиқдир. Шу боис ҳуқуқий онг жамият онгининг турли шаклларида ҳам ифодаланиши мумкин. Гарчи, жамиятда ҳуқуқий маданият муҳим ўрин тутса-да, жамият аъзоси ҳуқуқ билан тартибга солинмаган қадриятларни, яъни маънавий тамойиллар ва ахлоқий нормаларни ҳурмат қилиши лозим. Янги жамиятни қуришда юксак одоб-ахлоқли кишиларни тарбиялаш муҳим масаладир. Ахир одоб сабоқлари — ҳаёт сабоқлари, деб бежиз айтилмаган. Биз қадимги тарих, бой илмий-маданий мероснинг, улуғ алломаларнинг ворисларимиз. Шу билан бирга, бундай ворислик туйғуси ҳар биримизнинг зиммамизга ана шу аждодларга муносиб бўлиш учун миллий қадриятларимиз билан ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга ўз ҳиссамизни қўшишимиз керак. Зеро, бугунги авлод биздан шуни кутмоқда. "Чунки билимли авлод – буюк келажакнинг, тадбиркор халқ – фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса – тараққиётнинг кафолатидир!", деган давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг 26 йиллигига бағишланган тантанали тадбирда.

**Феруза МУХИТДИНОВА,**
**юридик фанлар доктори, профессор**

# КЕРАКЛИ МАСЛАҲАТ ВА ТАВСИЯЛАР БЕРИЛДИ

***Республикамизда кўплаб ёшлар ишлаш ва ўқиш учун хорижий давлатларга чиқиб кетишади, орадан маълум вақт ўтиб яшаш манзилларига қайтиб келгач нима иш билан шуғулланишни ўйлаб қолишади.***

Мазкур ҳолатларнинг олдини олиш, уларнинг бандлигини таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятини бошлашга кўмаклашиш мақсадида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан бир қатор тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Сергели политехника касб-ҳунар коллежида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Тошкент шаҳар Кенгаши ташаббуси билан ҳамкор ташкилотлар иштирокида "Ёшлар бандлигини таъминлаш – долзарб масала" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Тадбирда Сергели тумани ИИОФМБ вакили, "Yoshlar – kelajagimiz" жамғармаси туман филиали раҳбари Ж.Саидқулов, маҳаллий Кенгаш раиси Г.Ходжеметова ҳамда коллеж раҳбарияти, ўқувчи-ёшлар иштирок этишди.

Тадбирни ўтказишдан кўзланган мақсад Ёшларга оид давлат сиёсати ижроси юзасидан олиб борилаётган ислоҳотлар тўғрисида маълумотлар бериш ҳамда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан бугунги кундаги яратилаётган имконият, имтиёзлар, ёшларни бандлигини таъминлаш тўғрисида уларни яқиндан таништиришга қаратилди.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Сергели туман маҳаллий Кенгаши қошида 5 та бепул фаолият юритаётган тўгараклар мавжуд бўлиб, булар пазандачилик, компьютер, тикувчилик, бадиий гимнастика ва тасвирий санъат тўгаракларидир. Бугунги кунда мазкур тўгаракларга жами 300 дан зиёд ёш қамраб олингани ва хоҳловчилар бўлса мазкур тўгаракларга аъзо бўлишлари айтиб ўтилди.

Ёшларни тадбиркорликка жалб этиш, тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш мақсадида "Yoshlar – kelajagimiz" жамғармаси раҳбари томонидан маълумотлар берилди.

Давра суҳбати савол-жавобларга бой тарзда ўтказилиб, ёшларимиз ўзларига керакли маълумотларга эга бўлишди. Шунингдек, олдида турган улкан тўсиқлардан ўтишлари учун бугун ҳаракат қилиш кераклиги, вақтнинг қадрига етиб, ундан оқилона фойдаланиш зарурлигини тушуниб етишди.

**З.САЪДУЛЛАЕВ,**
**Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Тошкент шаҳар Кенгаши Бандликка кўмаклашиш ва ижтимоий ҳимоя бўлими мудири**

***Давлат божхона қўмитасининг Божхона институтида Ўзбекистон Республикасининг "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги қонун мазмун-моҳиятини тарғиб этиш мақсадида "Ёшлар – келажак бунёдкори" мавзусида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.***

# ҚОНУН МАЗМУН-МОҲИЯТИ ТАРҒИБ ЭТИЛДИ

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда "Мард ўғлон", "Ўзбекистон белгиси", Зулфия номидаги Давлат мукофоти ва "Ёш китобхон" Республика танлови ғолиби ҳамда "Ўзбекистон ёшлар иттифоқи стипендияси"га сазовор бўлган ёшлар қатнашди.

Божхона институти томонидан Ёшларга оид давлат сиёсати доирасида ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва уларнинг интеллектуал, ижодий салоҳиятини камол топтириш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Мазкур қонун тарғиботи юзасидан ташкил этилган маданий-маърифий тадбирни институт бошлиғи, юридик фанлари номзоди, доцент Восит Эргашев кириш сўз билан очиб берди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академияси давлат ва ҳуқуқ назарияси кафедраси профессори Гулчеҳра Маткаримованинг Ўзбекистон Республикасининг "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги қонун мазмун-моҳиятига бағишланган маърузаси тингланди.

Тадбир давомида Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг Тошкент шаҳар Кенгаши ҳарбийлар билан ишлаш бўлими мудири, майор Сарвар Ҳасанов Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Қуролли Кучлар тизимидаги фаолиятига атрофлича тўхталиб ўтди.

Тадбир иштирокчилари юксак ватанпарварлик, халқпарварлик, фидойилик туйғусини ва меҳнатсеварлик фазилатларини ўзида мужассамлаштирган, Ватанимиз обрўси, шон-шуҳрати ва шарафини юксалтиришга хизмат қилаётган, мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этаётган бир қатор давлат мукофотларига сазовор бўлган ёшлар ўзларининг қўлга киритган ютуқлари ҳамда Республикада ёшларга яратилган кенг имкониятлар тўғрисида ўз фикрларини билдириб ўтдилар.

**Зиёда РАСУЛОВА**

## Хабарлар

# ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ ВАКИЛЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда ҳокимлик қошидаги Жамоатчилик кенгаши вакиллари билан йиғилиш ўтказилди.

Унда Жамоатчилик кенгашининг институционал шаклланиш борасида 6 та йўналиш бўйича жорий йилда бажарилиши кўзда тутилган ишлари юзасидан муҳокамалар олиб борилди. Шунингдек, йиғилиш доирасида "Тошкент-2025" концепциясининг тақдимоти бўлиб ўтди.

# ЎҚУВЧИЛАР УЧУН ЭКСКУРСИЯ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 февралдаги тегишли қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳар туризмни ривожлантириш департаменти томонидан индустриал туризмни ривожлантиришга қаратилган экскурсиялар ташкил этилмоқда.

Унга мувофиқ Мирзо Улуғбек туманидаги 211-мактабнинг битирувчи синф ўқувчилари "Тошкент қишлоқ хўжалиги техникаси заводи" АЖда бўлди. Экскурсия давомида ўқувчилар ташкилот фаолияти билан танишдилар ҳамда ўзларини қизиқтирган саволлари юзасидан мутахассислардан жавоб олдилар.

Эндиликда ёшларни касбга йўналтириш ва индустриал туризмни ривожлантиришга қаратилган экскурсиялар пойтахтнинг барча мактабларида ташкил этилиши режалаштирилган.

# ТАШҚИ РЕКЛАМАЛАРГА ЭЪТИБОРЛИМИЗМИ?

Ҳар бир миллатнинг ўзига хос миллий маданияти, тили, урф-одатлари, қадриятлари мавжуд. Миллатнинг қандай миллат эканлиги эса унинг ўз она тилида намоён. Бироқ ҳозирги кунда жамоат жойлари, бино ва иншоотлар, савдо ва хизмат кўрсатиш объектларига жойлаштирилган айрим реклама воситаларини ўрганиш жараёнида ҳали ҳамон кўплаб имло хатолари учраётганлигига гувоҳ бўлиш мумкин.

Мисол учун реклама ёзувларидаги айрим ундошларни фарқламаслик — "Anteka", "Cavdo dukoni", ўзбек тили ва бошқа тилларнинг аралашувидан ҳосил бўлган — "Курилиш товарлари", "Обув дўкони" каби номларнинг ёзилганига гувоҳ бўласиз. Ачинарли ҳолат шундаки, айрим объектлар учун бошқа тилларда қўйилаётган номлар таржима қилинганда миллий қадриятлар ва маънавиятимизга зид маънодаги сўзлар келиб чиқади. Бу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Бундан ташқари, реклама баннерларида акс эттирилган суратлар одоб-ахлоқ нормаларига зид равишда омма эътиборини жалб қилмоқда. Бу эса ўсиб келаётган ёш авлод тарбиясига салбий таъсир кўрсатиб, аҳоли орасида саводсизларнинг сонини кўпайишига замин яратади. Ҳозирда Тошкент шаҳри туманларида реклама, йўл белгилари тасвирини такрорланмаган тақдирда амалга оширилиши, ташқи рекламани моддий маданий мерос объектларида, йўл белгиларида ва светофорларда, уларнинг тиргакларида халақит бермаганлиги назоратга олинмоқда. Бунда тадбиркорлар ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилиб, талабларга жавоб бермайдиган баннер ва ёзув тахталари олиб ташланмоқда. Хусусан, Олмазор туманида биноларнинг ташқи кўринишини тартибга келтириш, реклама баннерларини замонавий ва бежирим қилиб тайёрлатишга қаратилган самарали ишлар амалга оширилди.

Бугун аҳоли ўртасида соғлом муҳитни шакллантиришга нафақат соҳа вакиллари балки ҳар бир фуқаронинг ўзи ҳам масъулдир. Негаки, юзага келаётган муаммолар кишилар ўртасидаги эътиборсизлик, миллатга нисбатан ҳурматсизлик демакдир. Амалга оширилаётган тадбирлар негизида эса фақатгина инсон омили мавжуд.

# ТОШКЕНТ ТРАСФОРМАЦИЯСИ: ХИЗМАТДА ОТЛИҚ ОТРЯД

Бугун пойтахтимизнинг марказий кўчалари ва хиёбонларида сайр қилаётиб ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳасидаги катта ўзгаришларга гувоҳ бўлиш мумкин. Хусусан, халқаро тажриба ва ўз салоҳиятимиздан келиб чиққан ҳолда пойтахтимизда от патрули хизмати жорий этилган.

От патрул хизмати дунё бўйлаб кенг тарқалган бўлиб, бир қатор мегаполисларда инсон тинчлиги ва фаровонлиги йўлида хизмат қилиб келади. Мазкур хизмат бизнинг шаҳримизда ҳам давлатимиз раҳбарининг "Ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида ташкил этилган. Отлиқ отрядга очиқ жойларда ўтказиладиган оммавий тадбирлар чоғида жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлашда юқори ҳаракатчанлик ҳамда мобил тўсиқлар ва ҳалқаларнинг ташкил этилишини таъминлаш, Тошкент шаҳрининг марказий кўчалари, дам олиш масканлари ва аҳоли гавжум бўладиган бошқа жойларда жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, зарур ҳолатларда ҳуқуқбузарларни ушлаш вазифалари юклатилган.

Мутахассисларнинг фикрича, отлиқ отряд ўзининг мобиллиги туфайли самарали хизмат кўрсата олади. Хусусан, отлиқ отрядни тиғиз автомобиль пробкалари ёки транспорт юра олмайдиган кўчалар тўхтатиб қололмайди. Қолаверса отлиқ отряд вакиллари содир бўлаётган ҳодисани юқоридан яққол кўриш имкониятига ҳам эга. Бу каби ҳолатларда отлиқ ва унинг тўрт оёқли хизмат шериги одамлар орасидан ёрдамга биринчилардан бўлиб етиб бора оладилар. Келажакда ушбу хизмат вазифалари кенгайтирилиши, унга янги иш услублари жорий қилиниши кўзда тутилган.

Отлиқ отряд сафида бир неча ўнлаб ходимлар хизмат кўрсатишади. Улар зоотехник, отлиқлар, тренерлар ва ветеринарлардир. Уларнинг ҳар бири ўз касбининг устаси. Хизмат отлари эса Франция, Германия, Испания ва бошқа давлатлардан келтирилган.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги**
**Матбуот хизмати**

## Реклама ва эълонлар

Тошкент шахри, Шайхонтоҳур тумани Давлат хизматлари маркази томонидан 17.04.2018 йилда № 601260 реестр рақам билан рўйхатдан ўтган "OPEN UNIVERSITY" МЧЖ (СТИР 305492564) таъсисчининг 28.02.2019 йилдаги № 2 қарорига асосан

**ТУГАТИЛАДИ**

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой муддат ичида Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 9-уй манзилида қабул қилинади. Тел: +99899 800-29-50.

Тошкент шахри, Яккасарой тумани Давлат хизматлари маркази томонидан 29.08.2018 йилда № 632465 реестр рақам билан рўйхатдан ўтган "GOLD LINE COMPANY" МЧЖ (СТИР 305723354) таъсисчининг 22.02.2019 йилдаги № 1 қарорига асосан

**ТУГАТИЛАДИ**

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой муддат ичида Яккасарой тумани, Ш.Руставели кўчаси, 20-уй манзилида қабул қилинади.

"Юнусобод тумани ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат корхонаси томонидан Юнусобод тумани, академик Сирожиддинов кўчаси, 156-уй учун Халиков Рахматулла Хамидуллаевич номига берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шахри, Миробод тумани "Ягона дарча" маркази томонидан 19.10.2016 йилда № 008559-03 реестр рақам билан рўйхатдан ўтган "BASIC SPORT GROUP" МЧЖ (СТИР 304381172) таъсисчининг 4.03.2019 йилдаги № 2 қарорига асосан

**ТУГАТИЛАДИ**

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой муддат ичида Миробод тумани, Фидокор кўчаси, 40/1-уй манзилида қабул қилинади.







## Футбол янгиликлари

### ЯНА БИР КЕЛИШУВГА ЭРИШИЛДИ

ЎФА ташаббуси билан Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт университети билан ҳамкорлик келишуви амалга ошадиган бўлди.

Ундан кўзланган мақсад – университет талабалари орасида ҳакамлик ёки мураббийликка лаёқати бор ёшларни турли хил учрашувлар, тадбирлар ташкил этиш орқали саралаб боришдан иборат бўлади. Шу тариқа танланган талабалар учун ЎФА томонидан турли назарий ва амалий машғулотлар йўлга қўйилади, иқтидорли ёшлар турли мусобақаларда синовдан ўтишади.

### ТАЙЁРГАРЛИК АВЖИДА

Жорий йилнинг июль ойида Польшада футбол бўйича Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ўртасида жаҳон кубоги турнири бўлиб ўтади.

Ушбу нуфузли мусобақада зафар қучишга аҳд қилган Жамшид Асадов бош мураббийлигидаги Ўзбекистон терма жамоамиз Туркиянинг Анталия шаҳрида ташкиллаштирилган ўқув-машғулот йиғинида иштирок этди. Йиғин доирасида 17 ёшли футболчиладан таркиб топган Анталия терма жамоасига қарши назорат-ўртоқлик учрашувида куч синашган ҳамюртларимиз шиддатли, қизиқарли курашлар остида кечган ўйинда 8:4 ҳисобида ғалаба қозонишди.

### ИСПАНИЯДАГИ ЙИҒИН ЯКУНЛАНДИ

2020 йили Япония пойтахти Токио шаҳрида уюштириладиган ёзги Олимпиада ўйинлари йўлланмасини қўлга киритишга аҳд қилган футбол бўйича Ўзбекистон олимпия терма жамоаси Испаниядан қайтиб келди.

Сербиялик тажрибали мутахассис Любинко Друлович бош мураббийлигидаги олимпиячиларимиз Испаниянинг Сан-Педродель-пинатар шаҳрида ташкиллаштирилган навбатдаги ўқув-машғулот йиғинида иштирок этишди. Йиғин давомида мураббийлар футболчиларнинг жисмоний ҳолатларини янада яхшилашга ҳаракат қилишди. Бундан ташқари, йиғин доирасида бир нечта жамоаларга қарши уюштирилган назорат-ўртоқлик ўйинлари Друлович шогирдларига фақат ижобий таъсир ўтказди дейиш мумкин. Айниқса, олимпиячиларимизнинг Тблисининг "Локомотив" жамоасига қарши ўртоқлик баҳсида зафар қучганликлари юқоридаги фикрларга далилдир. Қизиқарли, ҳужумкор, тезкор, комбинацион ва шиддатли курашлар остидаги ўйинда 3:2 ҳисобида олимпиячиларимиз ғалаба қозонишди. Голлар Б.Абдуҳолиқов (2 та) ва О.Ўрунов ҳисобига ёзилди.

Энди март ойида олимпиячиларимиз келгуси йили Таиландда уюштириладиган Осиё чемпионатига йўлланма олиш учун саралаш турнирида қатнашишади. Ушбу турнирга Тошкент мезбонлик қилади.

### ҲАКАМЛАР МАҲОРАТИ ОШДИ

Малайзия пойтахти Куала-Лумпур шаҳрида ОФК ташаббуси билан уюштирилган ёш ҳакамлар академиясида дастлабки ўқув курслари якунланди.

Жаҳон миқёсидаги нуфузли футбол мусобақаларида муносиб фаолият олиб борадиган малакали рефериларни тарбиялаш мақсадида ташкил этилган академиянинг дастлабки ўқув курсида ўзбекистонлик ёш ҳакам Рустам Лутфуллин ҳам қатнашгани қувонарли. Ўқув жараёнида футбол қоидаларига киритилган ва киритилиши кутилаётган ўзгаришлар ҳақида ёш ҳакамларга маълумот берилди. Шунингдек, баҳсли вазиятлар видео-ёзувлар орқали кўриб чиқилди. Қатнашчилар назарий билимларини бойитиш баробарида амалий машғулотларда иштирок этишди. Якунда машғулотлардаги хатолар атрофлича муҳокама қилинди. Дарвоқе, 2018 йилда жаҳон чемпионатида ҳамда БААда ўтказилган Осиё кубогида ишлаган ҳамюртимиз Фарҳод Абдуллаев ўқув курсларида инструкторлар ролини бажарди.

### ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМАСИ – КЎҲНА ҚИТЪАДА

Маълумки, жаҳоннинг энг кучли биринчиликлари Англия, Испания, Италия, Германия ҳамда Францияда ўтказилишига мухлислар кўникиб улгуришган.

Чунки бу давлатлар биринчиликларидаги ҳар бир учрашув кескин ва қизиқарли, муросасиз курашлар остида кечади.

Англия Премьер лигаси 27-тури доирасидан ўрин олган "Бёрнли" – "Тоттенхем" учрашуви вақтида ажойиб воқеа юз берди. Майдон четидаги электрон шитларда Ўзбекистон бўйлаб саёҳатга ундовчи реклама матни намоён қилинди. Реклама матни жуда қисқа бўлиб, "Ўзбекистонга келишга улгуриб қолинг" деб номланди. Унда 64 та давлат фуқароларидан Ўзбекистонга кириш визаси тарғиб қилинди. Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси вакиллари саъй-ҳаракатлари туфайли англияликлар билан олиб борилган музокаралар муваффақиятли якунланган ва Премьер лигадаги 2 та учрашувда Ўзбекистон рекламаси бепул намойиш қилинган.

### ТЕРМА ЖАМОАМИЗ ҒАЛАБА ҚОЗОНДИ

Футбол бўйича 18 ёшли чарм тўп усталаридан таркиб топган Ўзбекистон ёшлар терма жамоасига номзод футболчиларни саралаш мақсадида "Чиғатой" спорт мажмуасида ўқув-машғулот йиғини ташкил этилганди.

Икки босқичдан иборат бўлган ушбу йиғинда бош мураббий Отабек Ғуломхўжаев етакчилигидаги мутахассислар 50 нафар терма жамоага номзод футболчиларни синовдан ўтказишди. Эътиборлиси, йиғин давомида назорат ўйинлари ҳам ташкил этилди. "Бунёдкор" ёшлар командасига қарши кечган ўртоқлик ўйинида Отабек Ғуломхўжаев шогирдлари 2:0 ҳисобида зафар қучишди. Шунингдек, ёшлар терма жамоамиз "Локомотив" ёшларига қарши ҳам майдонда омадларини синаб кўришди.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

## Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур

### МОЗИЙГА ҚАЙТИБ ИШ КЎРМОҚ ХАЙРЛИДИР

**Одамлар бировнинг яхшилигини эмас, ёмонлигини гапирадилар.**

* * *

**Инсон ўзи учун ҳам яшаши керак.**

* * *

**Ҳисоб-китоби тўғри киши аросатда қолмайди.**

* * *

**Сохтакорлик дарҳол кўзга ташланади.**

* * *

**Ҳар қандай фойда зиёндан холи эмас.**

* * *

**Нодон уриб енгади.**

* * *

**Одамзод бошқаларга ҳавас қилиб яшайди.**

* * *

**Кўп нарса кишининг ўзига боғлиқ.**

* * *

**Ким билан ўтириб-туришни ҳам билиш керак.**

* * *

**Яхшиликни билмайдиганлар, одатда, ҳаммадан кўп яхшиликдан баҳраманд бўладилар.**

* * *

**Молу давлатнинг ўзи бахтли бўлиш учун кифоя эмас.**

* * *

**Билиб бўлмас ҳамма нарсани, Қилиб бўлмас ҳамма нарсани.**

* * *

**Дўстликнинг ҳам ҳақи бор.**

* * *

**Эътироф кишига хуш ёқади.**

* * *

**Аёлларнинг тасаввури ақлидан устун.**

* * *

**Одамлар бошқаларни муҳокама қилиб чарчамайдилар.**

* * *

**Нодоннинг кўнгли тор бўлади.**

* * *

**Баъзиларга тўғри гапни ҳам гапириб бўлмайди.**

* * *

**Қафасдаги қуш эгасига ўрганиб қолиши мумкин, лекин зинҳор уни севмайди. Қафаснинг эшиги очиқ қолиши билан учиб кетади.**

## 102 хабарлари

### МОБИЛЬ ТЕЛЕФОННИ ОЛИБ ҚОЧДИ

Тошкент шаҳрининг Чилонзор туманида шу йил 22 февраль куни вақтинча Шайхонтоҳур туманида жойлашган "Қоратош" автомашиналарни ювиш шохобчасида яшовчи, шу шохобча ишчиси И.Ю. Чилонзор туманида жойлашган "Тўлаган" кафесининг орқа томонида фуқаро Л.М. (исмли аёл)ни қўлидан "Самсунг" мобиль телефонини тортиб олиб, воқеа жойидан яширинган. Кўрилган чоралар натижасида И.Ю. қўлга олинган.

Ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

### ТАЛОНЧИНИНГ ИШИ ВОЙ

Яккасарой тумани, Бобур кўчасида яшовчи А.К. Миробод туманидаги "12 Стульев" номли ресторан олдида Р.Ш. (исмли аёл)нинг қўлидан ичида пуллари бўлган сумкасини тортиб олиб, воқеа жойидан қочиб кетаётган вақтида шу ерда хизмат олиб бораётган ИИБ ходимлари томонидан қўлга олинди.

Ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

### ФИРИБГАР ҚЎЛГА ОЛИНДИ

Мирзо Улуғбек туман ИИБга тушган хабарга кўра, 2018 йил март ойи охирларида Сергели тумани, Қурувчилар кўчасида яшовчи М.С. Мирзо Улуғбек тумани ҳудудида фуқаро С.А.га Чилонзор тумани Мевазор маҳалласи ҳудудидан 15 сотих ер майдони олиб беришини ваъда қилиб, ундан 15 000 АҚШ доллари ва 3 300 000 сўм пулини олиб, шу кунга қадар берган ваъдасини бажармай келаётгани кўрсатилган.

Ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, М.С. қўлга олинган. Тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

**Ўзбекистон Республикаси ИИВ Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар бошқармаси**

## Ижтимоий ҳимоя

### МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИ

***Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Тошкент шаҳар Кенгаши ташаббуси билан Шайхонтоҳур туманидаги Халқаро ислом академиясида ёшлар бандлигини таъминлаш мақсадида "Меҳнат ярмаркаси" ташкил этилди.***

Ярмаркада Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Тошкент шаҳар Кенгаши Бандликка кўмаклашиш ва ижтимоий ҳимоя бўлими мудири З.Саъдуллаев, Шайхонтоҳур туман ҳокими ўринбосари, туман прокуратураси, туман ИИОФМБ масъул вакиллари, Ёшлар иттифоқининг маҳаллий Кенгаши, Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказии ходимлари иштирок этиб, уларга яратилаётган кенг имкониятлар ҳақида маълумотлар беришди. Туман ҳудудидаги маҳаллаларда истиқомат қилувчи 200 дан ортиқ ишсиз ёшлар ва талабалар иштирок этган мазкур ярмарка кўтаринки руҳда ташкил этилди.

— Сўнгги йилларда юртимизда ёшларга яратилаётган имкониятлар кўлами кенгайиб бормоқда, шунингдек, ёшлар бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорлик фаолиятига қизиқтириш ва шахсий бизнесини йўлга қўйишда кўмаклашиш ҳамма ташкилотларнинг олдида турган муҳим масалалардан биридир, — дейди Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Тошкент шаҳар Кенгаши Бандликка кўмаклашиш ва ижтимоий ҳимоя бўлими мудири З.Саъдуллаев. — Республикамизнинг барча ҳудудлари қаторида пойтахтимизда ҳам ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Шу муносабат билан Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан ёшлар бандлигини таъминлаш чораларини кўриш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, ўқув курслари ва тўгаракларга жалб қилиш орқали кўплаб ёшларимизнинг дунёқараши ва ўзига бўлган ишончини оширишга эришилмоқда. Жумладан мазкур меҳнат ярмаркасида ёшлар ўзларининг бўш иш ўринлари билан қатнашаётган корхона ва ташкилотлардан керакли йўналиш ва кўрсатмалар олиб, ўзларига муносиб иш топишларига эришдилар.

Меҳнат ярмаркасида Шайхонтоҳур тумани ҳудудида жойлашган 10 дан ортиқ тадбиркорлик субъектлари вакиллари ўзларига муносиб кадрларни саралашга эътибор қаратишди, ёшларимизнинг билим ва кўникмаларини синовдан ўтказишди.

Ёшларнинг бандлигини таъминлаш, ҳаётда ўз йўлини топишга қийналаётган ёшларни касб-ҳунарларга ўргатиш ҳамда уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилган тизимли ишларни амалга ошириш олдимизда турган муҳим вазифалардан биридир.

**Зарина РУСТАМОВА**

## Қилмиш – қидирмиш

### ТИЛЛА ЗИРАК ТАЛВАСАСИ

***Оила мустаҳкамлиги, фарзандлар камоли ва тарбиясини аёл иштирокисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бугун жамият тараққиёти ва равнақи йўлида олиб борилаётган кенг кўламли ишларда ҳам аёлларнинг алоҳида ўрни борлигини таъкидлаб ўтишимиз керак.***

Биз аёлни аввало, мунис ва меҳрибон она тимсолидагина билганимиз учун уларнинг ижтимоий ҳаётимизда тутган ўрнини кўрсак янада қувонамиз. Шу ўринда айтиш керакки, бугун хотин-қизлар барча соҳаларда фаолият юритиб, бошқаларга ўрнак бўлмоқда.

Давлатимиз томонидан аёллар ҳуқуқларини тўлиқ таъминлаш бўйича зарур чоралар кўрилаётир. Бироқ айрим аёлларнинг билиб-билмай ножўя ишларга қўл ураётганлиги, умуман улар томонидан жиноят содир этилаётганлиги ташвишлидир.

Пойтахтимизнинг Олмазор туманида вақтинча яшовчи Шарофат Қобилова (исм-фамилия ўзгартирилган) ҳам қора ишга қўл урганлардан бири. У 2018 йил 1 ноябрь куни Яшнобод туманида жойлашган 152-мактаб ёнида саккиз ёшли қизни алдаб, "Бегона одамлар зирагигни ечиб олиб кетишади, яхшиси зиракни сумкангга солиб қўяман", дейди. Табиийки, ёш қизалоқ унинг гапига ишонади ва розилик беради. Аёл унинг қулоғидаги тилла зиракни ечиб олиб қизчанинг сумкасига гўёки солгандек ўзини кўрсатади. Аслида эса Шарофат қизалоқнинг зирагини ўзининг чўнтагига солади. Тилла зиракни қўлга киритган Шарофат воқеа жойидан яширинади. Тилла зирак талвасасига тушган Шарофат жиноий ҳаракатини давом эттиради. 16 ноябрь куни 61-мактаб атрофида 2 нафар қизнинг 500 минг сўмлик тилла зирагини алдаб олиб, уларнинг сумкасига эса сариқ металдан ясалган зиракни солиб қўяди.

Суд мажлисида судланувчи тариқасида сўроқ қилинган Шарофат Қобилова эълон қилинган айбга тўлиқ иқрорлик билдирди. Унга жазо тайинлашда жабрланувчилардан кечирим сўралганлиги, моддий зарарни тўлиқ қоплаганлиги, муқаддам судланмаганлиги, аёл киши эканлиги, вояга етмаган икки нафар фарзанди борлиги эътиборга олинди. Тилла зиракка "ишқи" кетган аёл қонуний жазога тортилди.

Баъзида бўлса-да аёллар ўртасида содир этилаётган жиноятчилик кишини ўйга толдиради. Бириси етишмовчилик деса, иккинчиси билмай қолибман, дейди. Тўкис оиланинг бекалари ҳам турли баҳонани рўкач қилишади. Нима бўлганида ҳам улар кўрсатган сабаблар жиноятга етакламаслиги керак.

Аёл зотини мақтаб кўкларга кўтарамиз, эъзозлаймиз, уйимиз фариштаси, дея эркалаймиз. Қўлларига гуллар тутамиз. Афсуски, баъзида улар орасида аёллик шаънига доғ тушираётганлар ҳам учраб туради.

**Мавлон ГАФУРОВ,**
**Жиноят ишлари бўйича**
**Яшнобод туман суди судьяси**

**ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ**

*Тошкент шаҳрида **5 март** куни ҳаво ўзгариб туради. Кечаси ёмғир ёғади, кундузи ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси – 3-5, кундузи – 11-13 даража илиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **5 мартда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: (0-371) 233-28-95. факс: (0-371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-9229
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 346
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 2343 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул О. Ҳазратов
Босишга топширилди: 15.30
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ
1 2 3 4 5